

**ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР
ТОВАРЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

Мўйдинова Зилола Воҳид қизи,
Божхона институти таянч докторанти (PhD),
ORCID:0009-0002-7192-4780
e-mail:moydinovazilola747@gmail.com
Каримжанова мунаввара Ибрагимовна
Илмий раҳбар, Божхона институти Иқтисодий
фанлари кафедраси доценти, и.ф.ф.д, PhD

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ АНАЛИЗА
ТОВАРОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ НА ПОГРАНИЧНЫХ ТАМОЖЕННЫХ
ПОСТАХ**

Муйдинова Зилола Вохид кизи,
докторант (PhD) Таможенного института,
ORCID:0009-0002-7192-4780
e-mail:moydinovazilola747@gmail.com
Каримжанова мунаввара Ибрагимовна
Научный руководитель, Доцент кафедры
экономических наук Таможенного
института, к.а.н, PhD

**THEORETICAL ASPECTS OF IMPROVING THE ANALYSIS OF GOODS OF
INDIVIDUALS AT BORDER CUSTOMS POSTS**

Muydinova Zilola Vokhid kizi,
ORCID:0009-0002-7192-4780
Doctoral student (PhD) of Customs institute,
e-mail:moydinovazilola747@gmail.com
Каримжанова мунаввара Ибрагимовна
Scientific Director, Associate Professor of the
Department of Economic Sciences
of the Customs Institute, PhD

Аннотация: Ушбу мақолада чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлар таҳлилини такомиллаштириш мақсадида иқтисодий таҳлил тушунчаси ҳамда чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарларини таҳлил қилишнинг 5 босқичли модели ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *Ноқонуний товарлар, ҳуқуқбузарлик, божхона органлари фаолиятида иқтисодий таҳлил, Божхона органлари фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг 5 босқичли модели.*

КИРИШ

Жаҳонда ҳозирги вазият турли давлатлар, иқтисодий иттифоклар даражасида эълон қилинган иқтисодий интеграцияга ёндашувлар ва унинг тамойилларининг ўзгариши билан тавсифланади. Миллий тараққиёт стратегиясини муваффақиятли ишлаб чиқиш ва унинг иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш учун божхона тартиб-таомилларини тизимли ва батафсил баҳолаш зарур, бу фақат объектив эмпирик маълумотлар, ишончли бухгалтерия ахборотлари ва етарли таҳлилий воситалардан фойдаланиш асосида амалга ошади.

Божхона органлари фаолиятини ташкил этишда молиявий ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш бўйича мезонлар халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида божхона органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон Божхона Ташкилотининг Доимий техник қўмитаси (The Permanent Technical Committee)нинг 215/216-сессияларида ЖБТнинг ривожланиш стратегиясида 2017 йилни “Маълумотлар таҳлили” (Data Analysis) деб номлади ҳамда дастлабки декада учун ривожланиш стратегиясининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида маълумотлар таҳлили, иқтисодий таҳлил самарадорлиги ва уларнинг методологияси, божхона органларида катта маълумотлар таҳлили орқали божхона тартиб-таомилларини такомиллаштириш, тизимли таҳлил ва уларнинг самарали усуллари этиб белгиланди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Чегара божхона постлари орқали олиб ўтилаётган товарлар ҳисоби ва таҳлил қилиш методологиясини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар етарлича ўрганилмаган. Товарларнинг кўп босқичли иқтисодий таҳлилининг назарий ва услубий қоидаларини ва унинг мақсадларини ўрганиш замонавий фан ва амалиётда кенг тарқалмаган. Шунингдек, мамлакатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан жисмоний шахслар томонидан чегара божхона постлари орқали олиб ўтилаётган товарларни таҳлил қилиш ва прогноз қилиш усуллари тўпламини ишлаб чиқиш йўналишлари етарли даражада белгиланмаган.

Иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг илғор илмий-тадқиқот марказлари, университет ва институтларида, жумладан, Манчестер университети ҳузуридаги Инвестиция рискларини таҳлил қилиш илмий маркази (The Centre for the Analysis of Investment Risk (CAIR)) (Буюк Британия), Колумбия Бизнес мактаби ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби ва хавфсизликни таҳлил қилиш бўйича малака ошириш маркази (Center for Excellence in Accounting and Security Analysis (CEASA)) (АҚШ),

University of Notre Dame, University of Texas at Austin (AQSH), Краков иқтисодиёт университети (Польша), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) хузуридаги илмий-тадқиқот институт, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Н.И.Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети, Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия Федерацияси), Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Божхона органлари ва чегара постлар орқали ҳаракатланадиган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида товарлар таҳлили ва боғхона тўловларини ундириш соҳасидаги тадқиқотларнинг етишмаслиги, унинг тўлиқлиги ва мураккаблигини таъминлаш учун тегишли иқтисодий таҳлил турининг концептуал қоидалари ҳали шаклланмаганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун услубий асосларни шакллантириш ва товарлар ҳаракати ва уларнинг боғхона тўловларини кўп босқичли иқтисодий таҳлил қилиш учун услубий воситаларни такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Божхона органлари тизимида иқтисодий таҳлилни ривожлантириш унинг ўзига хос бўлган усул ва методикасини яратиш ҳамда иқтисодий таҳлил тушунчасига таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Мавжуд адабиётлар таҳлилига кўра қуйидагилар маълум қилинади:

1-жадвал

Соҳавий тармоқларда иқтисодий таҳлил тушунчасига иқтисодчи олимларнинг таърифлари ва ёндашувлари

Т /р	Мавзуга оид адабиёт муаллифлари	Мавзуга оид адабиёт муаллифларининг талқини
1.	Г.В.Савиская	Иқтисодий таҳлил – бу иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билишнинг илмий усули бўлиб, уларни таркибий қисмларга бўлиш ҳамда алоқалар ва боғлиқликларнинг хилма-хиллигини ўрганишга асосланган[1]
2.	Ю.В.Панко, Н.В.Яшкова	Иқтисодий таҳлил – бу иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш, уларнинг ривожланиш

		қонуниятларини билиш, бутунни унинг таркибий қисмларига бўлиш ва уларни ҳар хил алоқалар ва ўзаро боғлиқликларда ўрганиш усули[2]
3.	Е.Э.Румянсева	Иқтисодий таҳлил – бу бошқарув қарорларининг илмий асосланиши: иқтисодий таҳлил асосида энг самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишга асос бўлади [3, 533-6]
4.	К.Р.Макконнеллу, С.Л.Брю	Иқтисодий таҳлил – бу иқтисодий фаолиятнинг мавжуд фактларидан иқтисодий қонуниятларни келтириб чиқаришдир [4,385-6]
5.	А.И.Короткевич, К.Л.Куриленок, Б.В.Лапко, Д.В.Шпарун	Иқтисодий таҳлил – бу иқтисодиётнинг алоҳида қисмларини ўзаро боғлиқлигини ўрганишга асосланиб, иқтисодий фаолиятнинг мавжуд фактларидан иқтисодий қонуниятларни келтириб чиқаришдир [5, 313-6]
6.	З.В.Мўйдинова ²⁵	Божхона органларида иқтисодий таҳлил – бу божхона тартиб-таомилларининг иқтисодий жиҳатларини ҳамда товарлар ва божхона тўловларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга асосланган жараёнларнинг моҳиятини билишнинг илмий усули.

Тадқиқот ишида божхона органлари тизимида иқтисодий таҳлил тушунчасига муаллифлик таърифи келтирилган. Бу эса, божхона органлари тизимида юқори малакали, рақобатбардош кдарларни тайёрлашда ўқув-жараёнида яъни «Бухгалтерия ҳисоби» , «Божхона аудити» фанларини ўтишда ўзининг аҳамиятини касб этади.

Шунингдек, иқтисодий таҳлил босқичлари борасидаги миллий ва халқаро тажрибага биноан божхона органлари фаолиятида чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари ҳисоби

²⁵ Mualliflik ta'rifl.

ва таҳлилини такомиллаштириш учун божхона органлари фаолиятида иқтисодий таҳлилни амалга ошириш учун қуйидаги 5-босқичли модел асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Божхона органлари фаолиятида чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари таҳлилини 5 босқичли модели²⁶

Таклиф этилаётган ушбу божхона органларида чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари таҳлилини 5 босқичли модели халқаро стандартлар ҳамда тавсиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, божхона органлари фаолиятида самарали иқтисодий таҳлил қилиш учун режавий дастур бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Жисмоний шахслар товарлари таҳлилини амалга ошириш ҳамда уларнинг давлат бюджетига ундириладиган божхона тўловлари ҳажмига ўзаро таъсирини ўрганиш, аниқ илмий асосланган хулосалар ёрдамида истиқбол режалар белгилаш ва прогнозлаш амалиётини йўлга қўйишда аввало божхона органлари фаолиятида иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичларини мукаммал ўзлаштирган ҳолда, зарурий иқтисодий кўрсаткичларни танлаб олиш лозим. Бунда юқорида келтирилган назарий тавсияларни қўллаш мақсадга мувофиқ саналади.

REFERENCES:

1. Г.В.Савицкая, Иқтисодий таҳлил, дарслик — М.: INFRA-M, 2023.
2. Ю.В.Панко, Н.В.Яшкова, Иқтисодий таҳлил. Ўқув-услубий қўлланма – М.: Мир науки, 2018. – Урл.манзил: <http://izd-mn.com/PDF/29MNNPU18.pdf>
3. Е.Э.Румянцева, Иқтисодий таҳлил: ОТМлар учун дарслик – 2-е изд., — М.: Юрайт, 2024.-533б.
4. [Макконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика : \[rus.\] = Economics: Principles, Problems, and Policies. -М. : Respublika, 1992. - Т. 2. - S. 385. - ISBN 5-250-01486-0.](#)
5. А.И.Короткевич, К.Л.Куриленок, Б.В.Лапко, Д.В.Шпарун, Корхона, ташкилотлар фаолиятининг иқтисодий таҳлили; Экономический анализ деятельности организации (предприятия) / Учебнометодический комплекс// – Минск: БГУ, 2018. – 313 б.
6. Маълумотлар таҳлили – Амалиёт китоби, Жаҳон божхона ташкилоти (*Data analysis – Practitioner's book, World customs organization*), 2018. <https://www.wcoomd.org/>

²⁶ Муаллиф ишланмаси

[/media/wco/member/global/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/data_analysis_handbook/data_analysis_practitioners_handbook.pdf?db=web](https://media/wco/member/global/pdf/topics/facilitation/instruments-and-tools/tools/data_analysis_handbook/data_analysis_practitioners_handbook.pdf?db=web)

(Murojaat sanasi 24.03.2024)

7. Анди Филд, СПСС дан фойдаланиб статистикани кашф этиш, 3-нашр, АҚШ.: С&М Дижиталс Лтд, 2009. (Andy Field, Discovering statistics using SPSS, 3rd edition, - USA.: C&M Digital Ltd, 2009)

8. Фишер Р.А., Кичик намунадан олинган корреляция коэффициентининг эҳтимолий хатоси тўғрисида, -АҚШ.: Метрон, 1921. (*Fisher R.A., On the probable error of a coefficient of correlation deduced from a small sample, -USA.: Metron, 1921*)

9. Дамодар Гужарати, Мисоллар ёрдамида Эконометрика, - АҚШ.: Палграве Макмиллан, 2012. (*Damodar Gujarati, Econometrics by Example, -USA.: Palgrave Macmillan, 2012*)

10. А.Х.Студенмунд, Х.Ж.Лассиди, Эконометрикадан фойдаланиш: амалий кўрсатма, - Бостон, АҚШ.: Литтл Броун, 1987. (*A.H.Studenmund, H.J.Cassidy, Using econometrics: a practical guide, - Boston, USA.: Little Brown, 1987*)